

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.187.62 338(575.171)

АБДУЛЛАЕВ ФАРХОД ОЗОДОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ЛИЗИНГ
ХИЗМАТЛАРИ ВА СЕРВИСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ
(Хоразм вилояти мисолида)**

08. 00. 05 - “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

САМАРҚАНД – 2011

Диссертация иши Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори
Салаев Санъатбек Комилович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Эргашев Рахматулла Хидирович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Сабиров Ойбек Шавкатбекович

Етакчи ташкилот: Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Ҳимоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.12.01 рақамли бир марталик Ихтисослашган Кенгашнинг 2011 йил “___” _____ соат “___” да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 140100. Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил “___” _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор**

Тухлиев И.С.

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор вазифаларидан бири иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда инвестиция киритишнинг замонавий усулларида ҳисобланган лизинг хизматлари ва сервисдан самарали фойдаланишдир. Аммо мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “... нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали лизинг компаниялари ва бозор инфратузилмаси бошқа хизматларининг молия бозорида етакчи мавқега эга бўлиши учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим”¹. Кўриниб турибдики, лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш масаласи бугунги кунда ўта долзарбдир.

Кейинги йилларда инвестиция муҳитини яхшилаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини, бевосита лизинг хизматлари ва сервис бозорини қўллаб-қувватлаш бўйича республикамиз ҳукуматининг олиб бораётган изчил иқтисодий сиёсати туфайли лизинг хизматлари ва сервис бозори кенгайиб бормокда. Жумладан, 2002 йилда Ўзбекистонда лизингга берилган мол-мулк ҳажми 41,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 15 баробар ошиб, 274,2 млн. АҚШ долларига етди².

Бироқ, республикамиз минтақаларида лизинг асосида инвестиция киритиш, лизинг хизматлари ва сервисини замонавий талаблар асосида ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилаш ҳам бўлмайди”³ деб таъкидлади.

Давлатимиз томонидан иқтисодий-иқтисодий модернизация қилиш шароитида минтақаларда хизмат кўрсатиш ва сервисни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда республикамизда лизинг хизматлари секторини тизим сифатида шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, ушбу йўналишда сервис хизматларини кенгайтириш, минтақаларда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари,

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Президент Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси \\\ Халқ сўзи. 2008 йил 9 феврал, 3-бет.

² Ассоциация Лизингодателей Узбекистана (АЛУ). Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане по итогам 2008 года. Ташкент, 2009. – 4 с.; АЛУ. Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане по итогам 2009 года. Ташкент, 2010. – 5 с.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси \\\ Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь, 3-бет.

хусусан, тизимни бошқариш, унинг меъёрий-ҳуқуқий асосини, инфратузилмасини, солиққа тортиш масалаларини чуқур таҳлил қилиш орқали соҳани янада жадал ривожлантиришга имкон берадиган илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш республикамиз иқтисодиёт фани олдида турган муҳим муаммолардан ҳисобланади ва тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида лизинг хизматлари ва сервиси бозорини ривожлантиришнинг назарий-услубий муаммолари хорижий ва МДҲ мамлакатлари таниқли олимлари, жумладан Дж.Ван Хорн, П.Роуз, Р.Брейли, С.Майерс, Н.Адамов, А.Тилов, Ч.Кемпирбаева, Д.Трынин, В.Горемыкин, В.Газман, Л.Прилуцкий, С.Ковынин, В.Макеев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини юмшатиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда лизинг хизматлари ва сервиси бозорининг ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг бир қатор асарлари ва нутқларида баён этилган. Шунингдек, республикамизда иқтисодиётни модернизация қилишнинг умумназарий, минтақавий, тармоқ муаммолари С.Ғуломов, А.Ваҳобов, Ё.Абдуллаев, И.Тухлиев, И.Иватов ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ўрганилган.

Республикамизда бевосита лизинг хизматлари бозори ҳамда сервисни ривожлантиришнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари бўйича М.Ангелиди, Д.Ғозибеков, О.Сабиров, А.Мўминов, О.Қулжонов, Ғ.Қудратов, М.Пардаев, Д.Зайналов, Э.Набиев, М.Марпатов, М.Абдурахмонов, А.Мўминов, Р.Ҳамидова, Ш.Ҳайдаров, Х.Ортиқов, Х.Тухсанов, С.Салаев, А.Ахмедова каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган⁵.

Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари тилга олинган олимларнинг илмий тадқиқотлари миллий иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнини,

⁴ Ван Хорн Дж. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. серии Я.В. Соколов. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 643 с.: Л-557-582 с.; Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ., со 2-го изд. -М.: Дело Лтд, 1995. - 768 с.: Л -173 с.; Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. Пер. с англ. - М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 1997. - 1120 с. Л 715-732 с.; Н.Адамов, А.Тилов. Лизинг: правовая сущность, экономические основы, учет и налогообложение. СПб.: Питер, 2007; Кемпирбаева Ч.С. Использование лизинга в развитии сельскохозяйственного производства в переходной экономике (на примере агропромышленного комплекса Кыргызской Республики): Автореф. дис ...канд. экон. наук. – Бишкек, 2005. – 27 с.; Трынин Д.И. Особенности лизинга в промышленно-развитых странах. // М.: Ж. Финансовый менеджмент, 2004, №3. – С. 28-30; Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник. - М.: "Дашков и К", 2003; Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг. – М.: Фонд «Правовая культура», 1999; Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии. – М.: Фонд «Правовая культура», 1997; Прилуцкий Л.Н. Финансовый лизинг. Правовые основы, экономика, практика. - М.: Изд-во "ОСЬ-89", 1997. – 278 с.; Ковынин С.Л. Лизинговые сделки. Рекомендации по избежанию ошибок. – М.: Вершина, 2008. – 248 с.; Макеев В.Г. Лизинг. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 192 с.;

⁵ Ангелиди М.С., Ғозибеков Д.Г. Лизинговый кредит на технический прогресс. - Т.: Узинформагрупп, 1991.; Ғозибеков Д.Г., Сабиров О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. - Т.: Молия, 2001.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2003; Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабиров, А.Ғ.Мўминов, О.М.Қулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технология, 2004. - 308 б.; Ғ.Х.Қудратов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш, ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 28 бет.; Д.Р.Зайналов. Услуги и сервис как экономическая категория // Ж.: Сервис. №1, 2009. – 70-77 бет.; Э.Набиев, М.Марпатов. Лизинг гоёси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. Т.: "ЎАЖБНТ" Маркази, 2004.; М.А.Абдурахмонов, А.Ғ.Мўминов, З.Р.Ҳамидова. Лизинг бу нима? Т.: "O'zbekiston" НМИУ, 2006. – 45 б.; Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиқов, Х.А.Тухсанов. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. Т.: Норма, 2006. – 247 б.; Салаев С.К., Абдуллаев Ф.О. Роль лизинговых операций в развитии агробизнеса Республики Узбекистан. Москва. Ж.: Экономика и финансы. №2 (141), 2008 г., стр. 39-41; Салаев С.К. и др. Особенности и преимущества лизинговых партнёрских отношений субъектов малого бизнеса на автотранспорте // Журнал налогоплательщика. Апрель, №2, 2008 г., 24-25 стр.; А.Ахмедова. Лизинговое инвестирование // Ж.: Бозор, пул ва кредит. №3, 2010 й. 22-24 бет.

республикамиз ва унинг минтақаларида лизинг хизматлари ва сервиси бозорини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини таҳлил қилиш, бу борада юз бераётган ислохотлар ва жараёнларни таҳлил қилишда муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Аммо иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш жараёнлари кечаётган бир шароитда республикамизда ҳар бир минтақанинг ёки иқтисодий тармоғининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бевосита лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш масалалари етарлича ўрганилмаган. Ушбу ҳолат лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини ўрганиш асосида республикамизда, хусусан Хоразм вилоятида соҳани ривожлантириш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга бағишланган мазкур диссертация мавзусини танлашда асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент Давлат иқтисодий университети ва Урганч Давлат университетлари томонидан олиб борилган ОТ-Ф7-133 "Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари" мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодийни модернизация қилишда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- лизинг хизматлари ва сервисининг генезиси, шаклланиш босқичлари ва тенденцияларини аниқлаш;
- лизинг хизматлари ва сервисини турлари ва шакллари бўйича таснифни ҳамда муаллиф ёндошувидаги таърифларини ишлаб чиқиш;
- хорижий мамлакатларда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини қиёсий ўрганиш ҳамда республикамизда қўллаш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- лизинг компаниялари фаолиятида сервис хизматларини ривожлантиришнинг объектив зарурият эканлигини асослаш;
- лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий тавсияларни ишлаб чиқиш;
- Хоразм вилоятида тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида социологик сўровлар ўтказиш асосида лизинг хизматлари ва сервиси ривожланиши муаммолари ва уларни ечиш йўналишларини илмий асослаш;
- лизинг хизматлари ва сервисининг ривожланганлик даражаси бўйича минтақа ҳудудларини гуруҳлаш;
- Хоразм вилояти лизинг хизматлари ва сервиси бозорининг SWOT-

таҳлилини амалга ошириш ва унинг ўрта муддатли башоратини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти бўлиб, Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ва сервиси билан шуғулланувчи субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш ва унга таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий омилларни кучайтириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида таҳлил ва синтез, комплекс ёндошув, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий ва кластер таҳлил, социологик сўров, гуруҳлаш, SWOT-таҳлил каби иқтисодий таҳлил ва статистика усулларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- хорижий мамлакатларда ва республикада лизинг хизматларининг ривожланиш босқичлари, таснифланиши ва тенденцияларини баҳолашнинг назарий-услубий асослари;

- Хоразм вилояти лизинг компаниялари фаолиятида сервис хизматларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари;

- Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ва сервисининг SWOT-таҳлили ҳамда лизинг хизматлари ва сервисининг ривожланганлик даражаси бўйича Хоразм вилояти ҳудудларини гуруҳлаш усули;

- Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида лизинг хизматлари ва сервисини ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш асосида соҳани янада ривожлантиришга имкон берувчи илмий хулосалар ва тавсиялар таклиф этилган. Жумладан:

- “лизинг”, “лизинг хизматлари”, “сервис” ҳамда “лизинг сервиси” тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган;

- лизинг хизматлари турлари ва шакллари бўйича таснифланган, Ўзбекистонда уларни қўллаш бўйича илмий тавсиялар берилган;

- хорижий мамлакатларнинг лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш тажрибаларини республикада қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилган;

- лизинг компаниялари фаолиятида сервис хизматларини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва йўналишлари асосланган;

- Хоразм вилоятида тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида социологик сўровлар ўтказиш асосида минтақада лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- лизинг хизматлари ва сервисининг ривожланганлик даражаси бўйича вилоят ҳудудлари табақалашган гуруҳларга ажратилган;

- Хоразм вилояти лизинг хизматлари ва сервиси бозорининг SWOT-таҳлили амалга оширилган ва унинг ўрта муддатли башорати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти республикада минтақалари иқтисодиётида лизинг хизматлари

ва сервисининг ташкилий-иқтисодий омилларидан самарали фойдаланиш асосида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари, олий ўқув юртлари ўқув жараёнида, корхоналар фаолиятида қўлланилган ва келгусида ҳам фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек:

- лизинг хизматлари ва сервиси бозорини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда, жойлардаги лизинг хизматлари бозорини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи мутасадди органлар ҳамда лизинг компаниялари амалий фаолиятларида;

- “Лизинг хизматлари”, “Сервис асослари”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”, “Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари” каби фанлардан ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, ЛХС муаммолари бўйича илмий тадқиқотларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича олинган хулоса ва таклифлар ОТ-Ф7-133 “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари” Давлат илмий-техник дастурида (2010 йил 15 декабрдаги далолатнома), Хоразм вилояти Ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (2010 йил 23 январдаги №8-181-маълумотнома) ва “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали (2010 йил 08 апрел №23-19/95-маълумотнома) томонидан амалий фаолиятига ҳамда Урганч давлат университетида (2010 йил 12 февралдаги далолатнома) ўқув жараёнига жорий қилиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Тадқиқот натижалари қатор халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида, жумладан, “Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях” мавзусидаги халқаро 20-Плеханов ўқувида (Москва, 2007 й.), “Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари” (Тошкент, 2008 й.), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” (Урганч, 2009 й.), “Развитие менеджмента в современном бизнесе” (Самарканд, 2010 г.), “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалалари” (Урганч, 2010 й.) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан 4 таси ОАК эътироф этган хорижий ва республикамиз илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 156 бетдан иборат бўлиб, унда 20 та жадвал, 18 та расм, 24 та илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Бозор муносабатлари шароитида лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари” деб номланган биринчи бобда лизинг хизматлари ва сервиси (ЛХС)нинг назарий асослари, хорижий давлатларда ЛХСни ривожлантириш тажрибалари ва республикамызда уни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Иқтисодий адабиётларда "лизинг" сўзи инглизча "lease"- феълидан келиб чиққан бўлиб, “мулкни ижарага бериш” ёки “мулкни ижарга олиш” маъноларини англатиши эътироф этилган.⁶

Айрим адабиётларда "лизинг – шунчаки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома" ёки "лизинг – ижаранинг кредитга яқинлашган ўзига хос кўриниши" ёхуд "бутун ижара муддати давомида ижарачининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қоладиган ижара шартномаси"⁷ деган фикрлар ҳам бор.

Тадқиқотда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимларининг лизинг, лизинг хизматлари ва лизинг сервиси таърифлари бўйича турлича қарашларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида, уларнинг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган.

Лизинг дейилганда асбоб, ускуна ва технологиялар қийматини аста-секин тўлаб бориш шarti билан амалдаги қонунлар доирасида тадбиркорлик мақсадида узок муддатга фойдаланиш учун берилиши ҳамда шартнома муддати тугагач лизинг олувчининг мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритишини назарда тутувчи иқтисодиётни модернизация қилишнинг самарали усули тушунилади.

Лизинг хизматлари дейилганда бевосита лизинг операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнда амалга оширилувчи ҳамда истеъмол қиймати унга сарфланган жонли меҳнатнинг нафтилик самараси билан белгиланувчи буюмлашган шаклга эга бўлмаган меҳнатнинг ўзига хос маҳсули тушунилади.

Лизинг сервиси дейилганда лизинг компанияларининг замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар бозорини маркетинг қилиш, тадбиркорларга зарур ускуналарни танлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш, уларни етказиб бериш, йиғиш, ишга тушириш ва ишлатиш бўйича тавсия ва амалий ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек, ускуналарга зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ҳамда техник хизмат кўрсатиш каби сервис хизматларини ўз ичига олувчи комплекс фаолияти тушунилади.

Хорижий мамлакатларда лизинг берувчилар томонидан мижозларга, уларнинг талабига кўра, молиявий (соф) лизинг хизматлари ёки сервисли лизинг хизматлари кўрсатилади. Сервисли лизинг хизматлари ўз таркибида молиявий (соф) лизинг хизматлари ҳамда юқорида эътироф этилган сервис хизматларини қамраб олади.

⁶ Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабилов, А.Г..Мўминов, О.М.Кулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2004. – 31 б.

⁷ Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87. Пер. с англ. - М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 1997. - 1120 б. Л 715-732 бетлар; Козлова Е.П. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. -М.: Финансы и статистика. 1996. - 432 б.; Абдуллаев С.П., М.А. Абдурахмонов, А.Ғ. Мўминов, З.Р.Ҳамидова. Лизинг бу нима? Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2006 й. – 6 б.

Диссертацияда ЛХСни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси чуқур таҳлил қилиниб, қуйидаги асосий хусусиятлар аниқланган:

биринчидан, ЛХС ривожланишида кетма-кет ҳар бир давлат босиб ўтиши лозим бўлган олтита босқични ажратиб кўрсатиш мумкин: оддий қисқа муддатли ижарадан то бозор тўйингунича. Охирги босқич лизинг саноати ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, лизинг компаниялари бирлашиши ва халқаро лизинг кўламининг кенгайиши билан ифодаланади. Бу АҚШга хосдир;

иккинчидан, дунёдаги кўпчилик ЛХС бозорлари учун ижобий ҳажмлар ўсиши динамикаси хос бўлиб, бунда самарали солиқ ва божхона имтиёзларининг жорий этилиши ушбу секторни ривожлантиришнинг асосий омилига айланмоқда;

учинчидан, хорижий мамлакатларда ЛХСнинг кўплаб турлари ва шакллариининг қўлланиши ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида асосий воситалардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда;

тўртинчидан, жаҳон лизинг предметлари таркибида транспорт воситалари ва саноат ускуналари, лизинг олувчиларнинг тармоққа мансублиги бўйича саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа етакчилиги қилмоқда;

бешинчидан, ривожланган давлатларда лизинг компаниялари мижозларга қўшимча сервис хизматларини кўрсатиш орқали уларни фаол жалб этмоқдалар;

олтинчидан, лизинг операциялари учун таъминот сифатида қўлланилган молиявий воситалар таркибининг диверсификациялашуви ҳамда кенгайиб бориши лизинг операциялари ҳажмини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ишончли хорижий банклар томонидан тасдиқланган корхоналар векселлари, йирик бюджет ташкилотлари ва корхоналарининг векселлари, йирик компаниялар кафолатлари, қимматли қоғозлар гарови, муомаладаги ликвидлиги юқори товарлар, кўчмас мулк, банк кафолатлари ва ҳ.к.;

еттинчидан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, иқтисодий мазмун бўйича лизингнинг табақалашуви умумий тамойилларга, мувофиқлаштирувчи органларга ҳисоботларни тақдим этиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда жаҳонда ЛХСни унификациялаш жараёнлари кечмоқда;

саккизинчидан, дунёда ЛХСнинг турли янги йўналишлари, уларни амалга ошириш усуллари, ЛХСнинг ассортименти кенгайиб бормоқда;

тўқизинчидан, рақобатнинг кучайиши натижасида ишлаб чиқарувчилар томонидан лизинг компанияларининг ташкил этилиши, уларнинг бирлашиши ва йириклашуви кузатилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг юқоридаги тажрибаларидан миллий иқтисодиётда унумли фойдаланиш, хусусан ЛХС бозори иштирокчилари учун солиқ имтиёзларининг самарали усуларини қўллаш, лизинг хизматларининг янги турлари ва шакллариини жорий этиш, тармоқда сервис хизматларини ривожлантириш, гаров таъминотида молиявий воситалардан фойдаланишни кенгайтириш, лизинг мол-мулки таркибини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) корхоналарини модернизация қилишга мўлжалланган замонавий саноат ускуналари билан бойитиш миллий ЛХС бозорини тизим сифатида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республика ҳукумати томонидан 2002-2010 йилларда миллий ЛХС

бозорини ривожлантиришга қаратилган ўнга яқин меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда, шу жумладан, Хоразм вилоятида ушбу секторнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратди. Бугунги кунда ЛХС секторининг мустаҳкам меёрий-ҳуқуқий замини яратилган бўлиб, унда иштирок этувчилар учун қуйидаги солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинган:

- лизинг объекти мол-мулк солиғидан озод этилган;
- лизинг берувчилар томонидан олинган банк кредитлари бўйича тўланадиган фоизлар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланади;
- лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод этилган;
- кичик корхона ва микрофирмалар беш йил давомида харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматини солиққа тортиладиган базадан, унинг 25 %идан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташлаш имкониятига эга;
- импорт қилинадиган лизинг ускуналари божхона божлари ва ҚҚСдан озод этилган;
- лизинг объектига нисбатан тезлаштирилган амортизация қўллашга рухсат берилган;

ЛХС соҳасини тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни 2002 ва 2007 йилларда тегишли ўзгартиришлар киритилиши натижасида янада такомиллаштирилди. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатга бугунги кун талабларидан келиб чиқиб бир қатор таклифлар ва ўзгартиришлар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан, жисмоний шахсларга лизинг фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш (АҚШ тажрибаси), қонуннинг 2-моддасидан “опцион” имкониятини чиқариб ташлаш (Англия тажрибаси), банкларнинг лизинг фаолияти билан фақат билвосита, яъни лизинг компаниялари орқали шуғулланишини белгилаб қўйиш (АҚШ тажрибаси), мазкур қонунда лизинг компанияларининг статуси (мавқеи)ни алоҳида белгилаш (РФнинг лизинг тўғрисидаги қонуни) ҳамда лизинг тўловлари таркибида лизинг компанияларининг сервис хизматлари бўйича сарф-харажатларини акс эттириш шулар жумласидандир.


Қонунчиликка кўра лизинг тўловлари лизинг объектининг қиймати ва лизинг берувчининг фоиз кўринишидаги даромадидан ташкил топади.

Бизнинг назаримизда, лизинг тўловлари таркибига юқоридагилардан ташқари лизинг объектини етказиб бериш, уни суғурталаш, ускуналарга техник хизмат кўрсатиш, шунингдек, лизинг олувчига қўшимча маркетинг, консалтинг, логистика ва бошқа сервис хизматларини кўрсатиш бўйича сарф-харажатларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

“Лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари” номли иккинчи бобда миллий иқтисодиётда ЛХСни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ҳамда уларнинг ҳозирги ҳолати баҳоланиб, ЛХСни ривожлантириш асосида КБХТни қўллаб-қувватлашнинг хусусиятлари ва асосий йўналишлари қараб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ЛХС секторининг ривожланиш даражаси юқорида таъкидланган олти босқичнинг иккинчи босқичига тўғри келади. Лизинг хизматлари (ЛХ) турларини кенгайтириш, тармоқда сервисни кучайтириш ҳамда хорижий капитални фаол жалб қилиш ривожланишининг кейинги босқичларига чиқиш шартлари ҳисобланади.

Диссертацияда дунёда ва республикада мавжуд ЛХнинг турлари ва шакллари қиёсий ўрганилган ва таснифи ишлаб чиқилган (1-расм).



1-расм. Хорижий мамлакатларда мавжуд лизинг хизматларининг таснифи⁸.

Тадқиқотда ЛХСнинг муваффақиятли ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг энг муҳимлари аниқланди. Буларга: лизинг компанияларининг молиявий жиҳатдан заифлиги, кредит ресурсларининг қиймати юқори эканлиги, гаров қонунчилигининг яхши ривожланмаганлиги, техника ва ускуналар иккиламчи бозорининг шаклланмаганлиги, солиқ, божхона ва валюта қонунчилигидаги айрим зиддиятларнинг мавжудлиги, ходимларнинг етарли малакага эга эмасликлари, лизинг хизматлари бозори иштирокчилари лизингнинг моҳиятини, афзалликларини етарлича тушуниб олмаганликлари,

⁸ Ушбу чизма муаллиф ишланмалари асосида тузилди.

ускуналарга техник хизмат кўрсатувчи ва зарур эҳтиёт қисмларни етказиб берувчи инфратузилманинг заифлиги, ривожланган лизинг компаниялари, консалтинг фирмалари, лизинг хизмати таклифлари ҳақида доимо тўлдириб туриладиган реклама ва ахборот таъминоти тизими тўла ривожланмаганлиги кабиларни келтириш мумкин.

Ҳозирги пайтда республикамызда маънавий эскирган ва жисмоний ишлаб бўлган ускуналарнинг кўп миқдорда мавжудлиги, ишлаб чиқаришда рентабелли ускуналарнинг қимматлиги оқибатида оддий банк кредитидан фойдаланилган ҳолда КБХТ субъектлари ўзларининг ишлаб чиқаришини ташкил эта олмаслиги каби муаммолар ЛХСни ривожлантиришга объектив асос бўлмоқда.

Бу хусусда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда лизинг хизматида алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари айнан лизинг орқали замонавий ихчам технологияларга эга бўлиши мумкин.”⁹. Кўриниб турибдики, ЛХСни ривожлантириш бугунги кунда иқтисодий-иқтисодийнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Республикамыз ва минтақаларда ЛХСни ривожлантиришда ташкилий-иқтисодий омилларнинг роли катта. Чунки улар таъсирида ЛХС миллий, минтақавий, ҳудудий ва маҳаллий даражада тартибга солинади (2-расм).



2-расм. ЛХСни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари¹⁰

⁹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 101-бет.

¹⁰ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши ЯИМнинг 47,2 %ини, ўз навбатида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида транспортнинг улуши 31,7, савдо ва умумовқатланиш 17,2, коммунал хизматлар 13,2, молиявий хизматлар 8, алоқа ва ахборот хизматлари эса 7,2 %ни ташкил этди¹¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектори ва КБХТни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар лизинг амалиётини янада ривожланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Ҳозирда республикада 86 та лизинг берувчи субъектлар, шу жумладан, 21 та тижорат банки, 50 та ихтисослашган компаниялар ҳамда 15 та нобанк муассасалари томонидан лизинг хизматлари амалга оширилмоқда¹².

Ўзбекистон Республикасида жами лизинг хизматлари ҳажми 2005-2009 йилларда муттасил ошиб борган ва 4,4 баробарга кўпайган. Хоразм вилоятида эса лизинг хизматлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиш билан бирга, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан салкам 1 млрд. сўмга камайган. Ушбу ҳолат биринчидан, вилоят фермер хўжаликларига узоқ давр мобайнида кўп миқдорда қишлоқ хўжалик техникаларининг лизинг асосида етказиб берилиши ва иккинчидан, қишлоқ хўжалигида экин майдонларининг оптималлаштирилиши ҳамда мавжуд техникаларнинг хўжаликлар ўртасида қайта тақсимланиши оқибатида лизинг олувчилар сонининг камайиши каби омиллар билан боғлиқ (1-жадвал).

Ўзбекистон иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестицияларда лизинг хизматларининг улуши 2009 йилда 3,19 %ни ташкил этган бўлса, Хоразм вилоятида ушбу кўрсаткич 4,09 %га етган. Шу билан бирга республика ЯИМда лизинг хизматларининг улуши 0,84 %ни ташкил этгани ҳолда, Хоразм вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотига ушбу кўрсаткич нисбатан кам, атиги 0,58 %га тенг.

Республика бўйича жами лизинг берувчилар сони 2009 йил охирига келиб 86 тага етган бўлса, Хоразм вилоятида улар сони 6 тани ёки жами лизинг берувчилар сонига нисбатан атиги 7 фоизни ташкил этган.

2009 йилга келиб жами лизинг хизматлари ҳажмида лизинг компаниялари ва банклар улушларини ифодаловчи республика ва Хоразм вилояти кўрсаткичлари деярли тенглашган. Давлат томонидан банклар орқали КБХТни қўллаб-қувватлашга катта ҳажмда имтиёзли молиявий ресурсларнинг иқтисодиётга жалб этилиши, банклар томонидан жами лизинг хизматлари бозорининг учдан бир қисмини эгалланишига олиб келди.

Бизнинг фикримизча, яқин 3-5 йил ичида мамлакатимизнинг Инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг турли тармоқларида фойдаланиш учун лизингга берилаётган мол-мулкларнинг янада диверсификациялашуви умумий ҳолда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари.

¹² Ўзбекистон Республикаси Лизинг берувчилар уюшмаси ҳисобот маълумотлари.

2005-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорининг асосий кўрсаткичлари динамикаси¹³

Кўрсаткичлар	Йиллар					2009 йил 2005 йилга нисбатан, марта
	2005	2006	2007	2008	2009	
Ўзбекистон Республикаси: Лизингга берилган мол-мулк қиймати, млрд. сўм	90,6	131,1	214,5	351,7	401,7	4,4
Хоразм вилояти, млрд. сўм	1,2	3,3	8,0	9,9	9,0	7,4
Ўзбекистон Республикаси: Асосий капиталга инвестицияларда лизингнинг улуши, %	3,72	4,22	3,91	4,15	3,19	0,9
Хоразм вилояти, %	2,08	3,19	5,95	5,69	4,09	2,0
Ўзбекистон Республикаси: ЯИМ (ЯҲМ) да лизинг улуши, %	0,60	0,63	0,76	0,95	0,84	1,4
Хоразм вилояти, %	0,21	0,45	0,80	0,80	0,58	2,8
Ўзбекистон Республикаси: Лизинг берувчилар сони, дона	28	33	49	64	86	3,1
Хоразм вилояти, дона	2	4	5	5	6	3,0
Ўзбекистон Республикаси: Жами лизинг операцияларида лизинг компанияларнинг улуши, %	72,7	53,3	50,1	63,2	66,7	0,9
Хоразм вилояти, %	98,3	72,3	71,2	74,9	64,6	0,7
Ўзбекистон Республикаси: Жами лизинг операцияларида банкларнинг улуши, %	23,6	43,1	47,3	35,2	33,0	1,4
Хоразм вилояти, %	1,7	27,7	28,8	25,1	35,4	20,8
Ўзбекистон Республикаси: Жами лизинг операцияларида бошқа муассасаларнинг улуши, %	3,7	3,6	2,6	1,6	0,3	0,1
Хоразм вилояти, %	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-

Диссертациянинг “Хоразм вилояти иқтисодиётини модернизация қилишда лизинг хизматлари ва сервисдан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари” номли учинчи бобида вилоятда ЛХСни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари, минтақа иқтисодиётини модернизация қилишда ЛХС дан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари масалалари тадқиқ этилган.

Муаллиф фикрича, Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида сервисни ривожлантириш зарурати қуйидагилар билан асосланади:

- лизингга берилган мол-мулк таркибида илғор ускуналарнинг камлиги;
- бир бирлик қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш билан боғлиқ транспорт сарф-харажатларининг юқорилиги (780-980 минг сўм);
- тадбиркорларнинг техника ва ускуналарни сақлаш ҳамда фойдаланиш меъёрларини билмаслиги ва риоя этмаслиги сабабли, аксарият ҳолларда

¹³ Ўзбекистон Республикаси Лизинг берувчилар уюшмаси ҳамда Хоразм вилоят Статистика ва Марказий банк бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникаларининг муддатидан олдин таъмир талаб ҳолатга келиши, улар томонидан техникаларни ўз билганича таъмирланиши;

- техник таъмирлаш марказларининг камлиги, мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда эҳтиёт қисмларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги (1,5-2 ой) оқибатида техникаларнинг узоқ муддат ишлатилмай туриб қолиши ва натижада асосий воситалар иқтисодий самарадорлигининг пасайиши.

2009 йилларда Хоразм вилояти ЛХС бозорида амалга оширилган лизинг операцияларининг кредит таъминоти таркибининг таҳлили амалга оширилди. Унга кўра, лизинг операцияларининг кредит таъминоти таркибида энг кўп улуш енгил автомобиллар (50,9 %), бинолар (13,3 %), трактор ва комбайнлар ҳамда юк машиналарига (9,4 %дан) тўғри келса, кафолат хатлари (7,5 %), ишлаб чиқариш воситалари (5,7 %) ва ишонч асосида лизингга мол-мулклар беришнинг улуши (3,8 %) нисбатан камдир.

Тадқиқот ишида Хоразм вилояти ҳудудлари лизинг хизматлари бозорининг ривожланганлиги даражаси бўйича “гуруҳларни тенг бўлақларга ажратиш”¹⁴ усулидан фойдаланиб, табақалашган гуруҳларга ажратилди (2-жадвал).

2-жадвал

2009 йилда Хоразм вилояти ҳудудларининг лизинг хизматлари ҳажми (ЛХХ)нинг ривожланганлик даражаси бўйича табақалашган гуруҳлари, млн. сўмда¹⁵

ЛХХнинг ҳудудлар бўйича табақалашган гуруҳлари		ЛХХнинг ҳудудларда ҳар мингга КБ субъектларига тўғри келиши бўйича табақалашган гуруҳлари	
Гуруҳлар оралиғи	Туман ва шаҳарлар, мос қиймати билан	Гуруҳлар оралиғи	Туман ва шаҳарлар, мос қиймати билан
<i>I-гуруҳ оралиғи:</i> 1381,2 - 1900,5	Гурлан т. (1900,5)	<i>I-гуруҳ оралиғи:</i> 526,4 - 730,4	Гурлан т. (730,4)
<i>II-гуруҳ оралиғи:</i> 861,8 - 1381,1	Хонқа т. (1218,3) Ҳазорасп т. (1050,4) Боғот т. (1046,5)	<i>II-гуруҳ оралиғи:</i> 322,4 - 526,3	Боғот т. (520,4) Хонқа т. (415,8)
<i>III-гуруҳ оралиғи:</i> 342,3 - 861,7	Қўшқўпир т. (767,6) Урганч ш. (727,9) Урганч т. (649,9) Хива т. (565,4) Янгибозор т. (375,1) Янгиариқ т. (366,1) Шовот т. (342,3)	<i>III-гуруҳ оралиғи:</i> 118,2 - 322,3	Ҳазорасп т. (402,0) Қўшқўпир т. (297,2) Урганч ш. (282,9) Урганч т. (240,7) Хива т. (206,0) Янгибозор т. (187,9) Янгиариқ т. (149,7) Шовот т. (118,2)

Ушбу жадвал таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, гуруҳлаштиришнинг иккала кўринишида ҳам вилоят ҳудудларида лизинг хизматлари бозори нотекис ривожланган. Хусусан, лизинг хизматлари ҳажми энг юқори ва энг паст бўлган

¹⁴ Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2003. – 196-197-бетлар.

¹⁵ Хоразм вилоят Статистика ва Марказий банк бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Гурлан ҳамда Шовот туманлари орасидаги тафовут мос равишда 5,6 ва 6,2 баробарни ташкил этган.

Истиқболда Хоразм вилояти ЛХС бозорини ривожлантиришда минтақа ҳудудлари ўртасидаги юқорида келтирилган тафовутларни ҳисобга олиш лозим. Фикримизча, ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, жойларда тадбиркорлик муҳити ва кўникмасини шакллантириш, лизинг олувчиларнинг тўлов қобилиятини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зарур ускуна ва технологиялар етказиб берувчи ҳамда техник хизмат кўрсатувчи марказларни ташкил этиш, лизингга бериладиган мол-мулк таркибини диверсификациялаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш ҳудудлар ўртасидаги тафовутни қисқартиш ва вилоятда ЛХС бозорини ривожланишини янги босқичга чиқариш имконини беради.

Вилоятда 2007-2009 йилларда тижорат банклари томонидан КБХТ субъектларига кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми таҳлил этилди. Бунда ОАТБ “Микрокредитбанк”нинг улуши 41,6 %дан 85,3 %га ошган бўлса, аксинча ДАТ “Асакабанк”нинг улуши 37,8 %дан 11,0 %га, РОТБ “Қишлоққурилишбанк”нинг улуши 11,5 %дан 1,1 %га ва АТБ “Халқбанк”нинг улуши 9,0 %дан 2,6 %га камайган. Лизинг хизматлари бозорида ОАТБ “Микрокредитбанк” улушининг кўпайиши давлат томонидан жойларда КБХТни ривожлантиришга йўналтирилган микромолиявий ресурсларнинг кенгайиши билан боғлиқ.

Хоразм вилояти иқтисодийетини модернизация қилишда бевосита ЛХСнинг тутган ўрнини баҳолаш, тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида вилоят ЛХС бозорининг ривожланиши ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболларини белгилаш мақсадида социологик сўровлар ўтказилди ва натижалари таҳлил қилинди.

Сўровномага кўра, вилоятда мавжуд олти лизинг берувчиларнинг учтаси кичик бизнес субъектларига ва биттаси қишлоқ хўжалик корхоналарига, қолган иккитаси барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Аниқландики, банкларда миқдорларга лизинг сервиси деярли кўрсатилмаяпти, банк ходимлари лизинг операцияларини амалга ошириш бўйича зарур билимга эга эмас, боз устига уларни махсус курсларда малакасини ошириш бўйича ҳам етарли даражада эътибор берилмаган. Лизинг хизматлари асосан кредит бериш механизми доирасида амалга оширилган ҳолос. Шунингдек, сўровномада респондентлар томонидан ЛХСни ривожлантиришда молиявий ресурслар чекланганлиги, ускуна етказиб берувчи марказларнинг камлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат харид нархининг пастлиги, бошқа турдаги техникаларга талабнинг юқорилиги, лизингни иккилимчи бозорининг ривожланмаганлиги, техникаларга сервис кўрсатувчи марказлар ва мутахассисларнинг етарли эмаслиги, қишлоқ жойларида ишлаб чиқириш инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги каби муаммолар мавжудлиги алоҳида қайд этилган.

Кейинги йилларда Хоразм вилояти ЛХС бозорида лизингга берилган мол-мулк турлари диверсификациялашиб, уларнинг ўзаро нисбатлари ўзгариб

бормоқда. Хусусан, умумий лизингга берилган мол-мулкларнинг 71 %ини қишлоқ хўжалик техникалари, 5 %ини кўчмас мулк, 4 %ини енгил ва озиқ-овқат саноати технологиялари, 3 %ини полиграфия, компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ), 3 %ини юк ҳамда 5 %ини йўловчи транспортлари, 3 %и қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологиялари, 4 %ини бошқа ишлаб чиқариш технологиялари, 1 %ини тиббиёт ускуналари ташкил этган.

Тадқиқотлар жараёнида лизинг хизматларини кўрсатишда хорижий лизинг компаниялари томонидан миждозларга таклиф қилинадиган қўшимча сервис хизматларини “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилоят филиалида қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилоят филиали фаолиятида сервис хизматларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари¹⁶

Лизинг фаолиятида сервисни ривожлантириш бўйича берилган ушбу амалий таклифлар бошқа минтақалардаги лизинг компаниялари томонидан ҳам қўлланилиши мумкин бўлиб, компаниялар фаолиятида миждозга йўналтирилган сервис хизматларини ривожлантириш орқали уларнинг лизинг тўловлари кўринишидаги даромадлари муттасил ошиб боришига ва асосий воситалар фойдали хизмат қилиш муддатларининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хоразм вилояти ЛХС бозорида 2005-2009 йилларда лизингга берилган мол-мулк таркибида қишлоқ хўжалик техникаларининг улуши салмоқли бўлиб, экин майдонларининг оптималлаштирилиши сабабли ушбу сегментда лизингга олувчилар сонининг камайганлиги ҳамда улар ўртасида олдинги мавжуд техникаларнинг қайта тақсимланганлиги, яъни бозорнинг айнан шу лизинг предметларига бўлган талаби қисман бўлсада қондирилганлиги яқин йилларда

¹⁶ Ушбу чизма муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

ўз таъсирин кўрсатиши мумкин.

Тадқиқот ишида Хоразм вилояти лизинг хизматлари ва сервиси бозорининг бугунги кундаги устун ва заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда таҳдидларининг SWOT-таҳлили амалга оширилган (3-жадвал).

3 – жадвал

Хоразм вилояти лизинг хизматлари ва сервиси бозорини ривожлантиришнинг SWOT-таҳлили¹⁷

КУЧЛИ ТОМОНЛАР	ЗАИФ ТОМОНЛАР
• қулай меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги • солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги • лизинг объектининг лизинг олувчига ўз вақтида етиб бориши • лизинг предметларининг диверсификациялашуви • бозорда янги ва кучли лизинг берувчиларнинг пайдо бўлиши	• ЛХС бозорида қишлоқ хўжалик техникалари сегментининг ҳукмронлиги • лизинг хизматлари ва сервисининг заифлиги • лизинг компаниялари сонининг камлиги • тижорат банкларида кредит операцияларига устуворлик берилиши • тўловга қодир лизинг олувчилар сонининг камлиги • лизинг берувчиларда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги • лизинг тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмаслик
ИМКОНИЯТЛАР	ТАҲДИДЛАР
• ҳукумат томонидан ЛХСга устуворлик берилиши • вилоят ЛХСБда лизинг берувчилар сони ва молиявий ресурсларнинг кўпайиши • тўловга қобил лизинг олувчиларни кўпроқ жалб қилиш • ЛХС бозори кўпгина сегментларининг ўзлаштирилмаганлиги • жисмоний шахсларга микролизинг хизматларини кўрсатишни ташкил этиш	• баҳолар ва фоиз ставкаларининг ошиши • солиқларнинг ўсиши ва бозор конъюнктурасининг ўзгариши • бошқа ҳудудлардаги ёки хорижий рақобатчилар бозор мавқеининг ўсиши • валютали лизинг хизматлари учун валюта курсининг нобарқарорлиги • қонунчиликдаги ўзгаришлар • лизинг объектининг маънавий эскириши

Фикримизча, SWOT-таҳлил натижаларидан минтақадаги лизинг компаниялари ва банклар томонидан унумли фойдаланилиши, айнан ўз ЛХС бозорининг заиф томонлари ва таҳдидларини бартараф этиш, кучли томонлари ҳамда имкониятларини тўлиқ ишга солиш бўйича самарали қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Иқтисодий прогнозлаш усулларида фойдаланиб, Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг 2010-2012 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари ҳисобланди (4-расм).


$$y = 6043,16 * e^{(-\frac{2,56}{t})}, \quad F(\text{фишер}) = 9,369$$

Бу ерда t – башорат қилинаётган йиллар.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳукуматимиз томонидан ЛХСни ривожлантиришга эътиборнинг кучайтирилиши ва барқарор иқтисодий ўсиш натижасида вилоятда 2010-2012 йилларда лизинг хизматлари ҳажми мутаносиб равишда

¹⁷ Прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ҳамда Хоразм вилояти Статистика ва Марказий банк бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан Microsoft Excel дастурида ҳисобланди.

4192 млн. сўм, 4388 млн. сўм ва 4547 млн. сўмни ташкил этиши башорат қилинган.



4-расм. Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ҳажми ўсишининг 2010-2012 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари, солиштира нархларда¹⁸

Ушбу башорат кўрсаткичлари ўтган йиллардаги ўртача ривожланиш тенденцияларини ўзида акс эттириб, солиқ ва қонунчиликдаги ўзгаришлар, табиий ва иқтисодий шарт-шароит, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, тадбиркорлик ва рақобат муҳити, фоиз ставкалари, хорижий инвестициялар ҳажми каби омиллар таъсирида ривожланиб боради.

3. ХУЛОСА

Лизинг хизматлари ва сервисининг ташкилий-иқтисодий омилларидан самарали фойдаланишни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Лизинг хизматлари ва сервиси бозорини ривожлантиришга мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши туфайли 2002-2010 йилларда ушбу сектор фаолиятини тартибга солиш ва халқаро меъёрларга мослаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш, ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида республика Президенти томонидан кўплаб фармонлар ва қарорлар қабул қилиниши ушбу соҳа мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида эканлигидан далолат беради. Аммо, иқтисодий адабиётларда ЛХС секторининг назарий масалалари, уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, тармоқда сервисни ривожлантириш муамолари кам ёритилган.

2. Лизинг хизматлари ва сервис соҳаси бўйича мавжуд адабиётларни

¹⁸ Прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ҳамда Хоразм вилоят Статистика ва Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан Delfi дастурида ҳисобланди.

назарий жиҳатдан ўрганиб, лизинг, лизинг хизматлари, сервис ва лизинг сервиси тушунчаларининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, лизинг хизматлари тизимида сервиснинг ўрни ва аҳамияти асосланди.

3. Мамлакатимизда лизинг хизматлари ва сервиси секторини ривожлантиришни тартибга солишнинг қулай меъёрий-ҳуқуқий замини яратилган бўлиб, кейинги саккиз йил давомида мавжуд қонунчилик ҳукумат томонидан такомиллаштирилиб борилди ва халқаро меъёрларга мослаштирилди. Ишда ЛХСни ривожлантиришнинг бугунги кун талаблари ва хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозимлиги асосланди.

4. Ўзбекистон ЛХС бозорида хорижий мамлакатларнинг лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиш лозимлиги асосланди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар ЛХС бозорларининг шаклланиши борасидаги тажрибаси уни ривожлантиришда 6 та босқич мавжудлигини кўрсатди: оддий қисқа муддатли ижарадан то бозор тўйингунича. Охириги босқич лизинг саноати ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, лизинг компанияларининг бирлашиши ва халқаро лизинг фаолиятининг кенгайиши билан характерланади. Ўзбекистон ЛХС бозори мазкур ривожланиш босқичларининг иккинчи босқичида бўлиб, унинг кейинги босқичларга ўтишини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

5. Миллий иқтисодиётда, хусусан Хоразм вилоятида ЛХСни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари аниқланди ва уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

6. Хоразм вилоятида анкета сўровлари асосида ўтказган тадқиқотларимиз натижасида банк масъул ходимлари лизингга доир қонунчиликдан етарлича хабардор эмаслиги, банклар томонидан лизинг хизматлари кредит бериш билан чекланиб қолаётганлиги, лизинг олувчиларга зарур сервис хизматлари кўрсатилмаётганлиги аниқланди.

Лизинг компанияларининг мижозларга сервис хизматларини кўрсатишда банклардан фарқи шундаки, улар томонидан ускуналар бозорининг муайян сегменти маркетинг қилинади ҳамда мижозларга ускуналарни танлашда ва ишлатишда консалтинг хизматлари кўрсатилади. Шу билан бирга ускуналарни ташиб келтириш, уларга техник хизмат кўрсатиш, суғурталаш, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, ускуналардан оқилона фойдаланишни мониторинг қилиш ҳамда мижозларни зарур ахборот билан таъминлаш каби сервис хизматларини кўрсатиш ушбу компанияларда заиф ёки умуман ташкил қилинмаганлиги маълум бўлди.

7. Тадқиқотларимиз асосида вилоятда мавжуд лизинг берувчилар сони, улар томонидан амалга оширилган лизинг хизматларининг ҳажми ва унда лизинг берувчиларнинг улуши, лизинг хизматлари ҳажмининг иқтисодиёт тармоқлари ва вилоят ҳудудлари кесимидаги таркиби ҳамда унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ва асосий капиталга кирилган инвестициялардаги улуши каби вилоят иқтисодиёти учун муҳим бўлган кўрсаткичлар аниқланди ва улар атрофлича таҳлил қилиниб соҳани ривожлантиришга қаратилган тегишли

тавсиялар ишлаб чиқилди.

8. Таҳлилларимизга кўра, Хоразм вилояти ЛХС бозорида асосан қишлоқ хўжалиги техникалари сегменти етакчи ўрин тутди. Шу сабабли, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида, хориждан келтириладиган ускуналарнинг арзонлашувини эътиборга олиб, истиқболда лизинг имкониятларидан минтақа иқтисодиётининг саноат, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида ҳам устувор даражада фойдаланиб, лизинг мол-мулки таркибини диверсификация қилиш вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

9. Хоразм вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматлари ва сервисининг ролини оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, бозор талаби ва экологик вазиятни ҳисобга олиб, КБХТни лизинг асосида ривожлантиришнинг истиқболли соҳалари аниқланди ва асосланди.

10. Юқоридаги хулосаларга таяниб, Хоразм вилоятида ЛХСни ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий-омилларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги таклифлар берилмоқда:

- “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида лизинг хизматларининг янги турларини, лизинг компаниясининг мақомини, лизинг берувчиларнинг лизинг объекти бўйича қўшимча жавобгарлигини, ҳамда лизинг тўловлари таркибида лизинг компанияларининг сервис хизматлари бўйича сарф-харажатларини акс эттириш;
- лизинг тўғрисидаги қонуний-меъорий ҳужжатларда хорижий сармоядорлар учун кафолатлар ва имтиёзларни мустаҳкам белгилаб қўйиш;
- миллий статистика тизимида лизинг хизматлари бозорини таҳлил этиш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимининг ҳисобини юритиш;
- мижоз хоҳишига қараб лизинг тўловларининг турли шакллари қўллаш;
- аризаларни кўриб чиқиш ва ускуналарни етказиб бериш муддатларини янада қисқартириш ҳамда лизинг берувчиларга агент банкни мустақил равишда танлаш имкониятини яратиш;
- лизинг хизматлари рекламасини кучайтириш мақсадида лизинг компанияларининг электрон веб саҳифаларини такомиллаштириш;
- ЛХС бозори иштирокчилари учун Урганч давлат университетининг иқтисодиёт факультети қошида семинар-тренингларни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- Гурлан, Боғот ва Хива туманларида қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатувчи техник таъмирлаш ва диагностика марказларини ташкил этиш ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб беришни йўлга қўйиш;
- вилоятда КБХТ субъектлари томонидан техника ва технологияларга бўлган талабни лизинг компаниялари ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида маркетинг қилиш ҳамда лизинг компаниялари портфелларини ускуналар, ижтимоий соҳа объектлари (мактаб, мактабгача таълим муассасалари) лизинги ҳисобига диверсификациялаш;
- жойларда, айниқса, қишлоқларда ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма-ни, хусусан сервис кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш

мақсадида муайян имтиёзлар бериш эвазига банкларнинг кредит портфелида лизинг операцияларининг улушини кўпайтириш;

- Хоразм вилоятида ЛХСни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўлган туризм-мехмонхона хўжалиги бизнеси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳамда тиббиёт ва ичимлик сувини қайта ишлаш ускуналари билан ишловчи КБХТ субъектларига имтиёзли фоизалардаги лизинг хизматлари ва сервисини кенгайтириш.

Фикримизча, юқоридаги келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш минтақада лизинг хизматлари ва сервисининг янада ривожланишига ва шу орқали иқтисодиётнинг юқори даражада модернизациялашувига олиб келади, деб ўйлаймиз.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Ф. Гулманов М., Джуманиязов У. Региональные аспекты развития малого предпринимательства в Хорезмской области // Двадцатые международные Плехановские чтения. – Москва, 2007. – С.394-395.
2. Салаев С., Абдуллаев Ф. Роль лизинговых операций в развитии агробизнеса Республики Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2008. -№2 . – С.39-41.
3. Салаев С., Жабборов У., Гулманов М., Абдуллаев Ф. Особенности и преимущества лизинговых партнёрских отношений субъектов малого бизнеса на автотранспорте // Журнал налогоплательщика. -Апрель, 2008. -№2, – С. 24-25.
4. Абдуллаев Ф. Ўзбекистонда лизинг бозорини ривожлантириш муаммолари // Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Урганч, 2008. – Б.118-120.
5. Абдуллаев Ф., Джуманиязов У., Юлдашев И. О роли лизинговых услуг в развитии аграрного сектора Республики Узбекистан // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. – Тошкент, 2008. – С.24-25.
6. Абдуллаев Ф. Лизинг – иқтисодиётни модернизациялашнинг муқобил усули // Илм сарчашмалари. – Урганч, УрДУ, 2009. -№5. – Б.49-52.
7. Абдуллаев Ф. Инвестиция бозорини фаоллаштиришда лизинг хизматлари ва сервис ролини ошириш // Иқтисодиёт ва таълим. 2009. -№ 6. – Б.131-133.
8. Абдуллаев Ф. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. // Хоразм Маъмун академиясининг ахборотномаси. – Хива, 2010. № 1. –Б.6-13.
9. Абдуллаев Ф. Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ва сервиси ривожланиши // Иқтисодий, демографик, экологик барқарорликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2010 йил 30 январь). – Урганч, 2010. – Б.81-83.
10. Абдуллаев Ф. Минтақа иқтисодиётини модернизациялашда лизинг хизматлари ва сервисининг ролини ошириш истиқболлари // Иқтисод ва молия. – Тошкент, 2010. -№ 3-4. – Б.33-39.
11. Абдуллаев Ф. Хоразм вилоятида КБХТни ривожлантиришда лизинг хизматлари ва сервисдан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари // «Развитие менеджмента в современном бизнесе» международная научно-практическая конференция. – Самарканд, 2010. – С.2-5.
12. Абдуллаев Ф. Миллий иқтисодиётда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари // «Развитие менеджмента в современном бизнесе» международная научно-практическая конференция. – Самарканд,

2010. – C.5-7.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абдуллаев Фарход Озодовичнинг 08.00.05 – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича “Иқтисодиётни модернизация қилишда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари (Хоразм вилояти мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: лизинг, кредит, ижара, лизинг хизматлари ва сервиси, лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, лизинг хизматлари ва сервиси бозори.

Тадқиқот объекти: Хоразм вилоятида лизинг хизматлари ва сервиси билан шуғулланувчи субъектлар.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизация қилишда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: тадқиқот давомида таҳлил ва синтез, комплекс ёндошув, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий ва кластер таҳлил, социологик сўров, гуруҳлаш, SWOT-таҳлил каби иқтисодий таҳлил ва статистика усулларида фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: “лизинг”, “лизинг хизматлари”, “сервис” ҳамда “лизинг сервиси” тушунчаларининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган; лизинг хизматлари турлари ва шакллари бўйича таснифланган ва Ўзбекистонда уларни қўллаш бўйича илмий тавсиялар берилган; хорижий мамлакатларнинг лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш тажрибаларини республикада қўллаш бўйича амалий тавсиялар берилган; лизинг компаниялари фаолиятида сервис хизматларини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва йўналишлари асосланган; лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий омилларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган; Хоразм вилоятида тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида социологик сўровлар ўтказиш асосида лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари илмий жиҳатдан асосланган; лизинг хизматлари ва сервисининг ривожланганлик даражаси бўйича вилоят ҳудудлари табақалашган гуруҳларга ажратилган; вилоятда лизинг хизматлари ва сервисининг SWOT-таҳлили амалга оширилган ва ўрта муддатли башорати ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: лизинг хизматлари ва сервисини, лизинг муносабатлари ва бозорини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда жойлардаги лизинг муносабатларини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи мутасадди органлар амалий фаолиятида ҳамда соҳага оид келгуси илмий тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги. Тадқиқот натижалари бўйича олинган хулоса ва таклифлар ОТ-Ф7-133 “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини моделлаштириш ва маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишнинг назарий ва услубий асослари” фундаментал тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурида, Хоразм вилояти Ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи ва “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК вилоят филиали амалий фаолиятларида ҳамда Урганч Давлат университети иқтисодиёт факультетининг ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш соҳаси: лизинг хизматлари ва сервиси бозорини тартибга солувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи давлат ва минтақавий бошқарув органлари, лизинг компаниялари, банклар, олий ўқув юртлири.

РЕЗЮМЕ

диссертации Абдуллаева Фархода Озодовича на тему: «Организационно-экономические факторы развития лизинговых услуг и сервиса в модернизации экономики (на примере Хорезмской области)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05-«Экономика отраслей сферы услуг»

Ключевые слова: лизинг, кредит, аренда, лизинговые услуги и сервис, организационно-экономические факторы развития лизинговых услуг и сервиса, рынок лизинговых услуг и сервиса.

Объект исследования: субъекты функционирующие в сфере лизинговых услуг и сервиса Хорезмской области.

Цель работы: определение организационно-экономических факторов развития лизинговых услуг и сервиса в модернизации экономики и разработка научно-практических предложений а также рекомендаций по их эффективному использованию.

Методы исследования: в процессе исследования использованы методы анализа и синтеза, комплексный подход, абстрактно-логического мышление, сравнительный и кластерный анализ, анкетный опрос, группировка, SWOT-анализ и другие способы экономического анализа и статистики.

Полученные результаты и их новизна: разработаны усовершенствованные определения понятий «лизинг», «лизинговые услуги», «сервис» и «лизинговый сервис»; осуществлена классификация лизинговых услуг по их видам и формам и разработаны научные рекомендации по их внедрению в Узбекистане; даны научные рекомендации по внедрению опытов развития лизинговых услуг и сервиса в зарубежных странах в нашей республике; обоснованы направления и объективная необходимость развития сервисных услуг в деятельности лизинговых компаний; разработаны научны рекомендации по совершенствованию организационно-правовых и экономических факторов лизинговых услуг и сервиса; научно обоснованы проблемы развития лизинговых услуг и сервиса и основные направления их решения на основе социологических опросов между коммерческими банками и лизинговыми компаниями Хорезмской области; осуществлена группировка территорий области по уровню развития лизинговых услуг и сервиса; осуществлён SWOT-анализ лизинговых услуг и сервиса в Хорезмской области и разработан его среднесрочный прогноз.

Практическая значимость: разработанные научные предложения и рекомендации могут быть использованы в разработке региональных программ по долгосрочному развитию и поддержке рынка лизинговых услуг и сервиса и лизинговых отношений, в практической деятельности местных органов по координации и регулированию данного сектора, а также в дальнейших научно-исследовательских работах, посвященных данной проблематике.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Выводы и предложения, разработанные в диссертации, приняты для внедрения Государственной научно-технической программой фундаментальных исследований ОТ-Ф7-133 «Теоретико-методологические основы моделирования и разработки маркетинговой стратегии развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан», в деятельности информационно-аналитической группы Хакимията Хорезмской области и областного филиала АЛК «Узсельхозмашлизинг», а также в учебном процессе экономического факультета Ургенчского государственного университета.

Область применения: государственные и региональные органы управления, координирующие и регулирующие рынок лизинговых услуг и сервиса, лизинговые компании, банки, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Abdoollaev Farhod Ozodovich on scientific degree competition of candidate Sciences in economic on specialty 08.00.05 - "Economy of branches sphere of service", subject: "The organizational economic factors of developing leasing services and service in modernization of economy (On an example of Khorezm region)"

Key words: leasing, credit, renting, leasing services and service, the organizational economic factors of developing leasing services and service, leasing services and service market.

Subject of the inquiry: subjects functioning in sphere of leasing services and service of Khorezm region.

Aim of the inquiry: to determine the organizational economic factors of developing leasing services and service and to develop scientific proposals as well as practical recommendations for using them efficiently.

Methods of the inquiry: in the research the methods of the analysis and synthesis, integrated approach, abstract and logical thinking, the comparative and cluster analysis, social answers, grouping, SWOT analysis are used.

The results achieved and their novelty: advanced definitions of concepts "leasing", "leasing services", "service" and "leasing service" are developed; it is carried out the classification of leasing services as to their types and forms and scientific recommendations are given as to their incorporation in Uzbekistan; scientific recommendations are given out as to introduction of foreign countries' experiences of development leasing services and service in our republic; the direction and objective necessity of development of service in leasing companies are proved; scientific recommendations are mined as to improvement of organization-legal and economic factors of leasing services and service; development challenges of leasing services and service and the basic directions of their judgment are scientifically substantiated on the basis of sociologic answers between commercial banks and leasing companies in Khorezm region; the territories of region are divided into groups on the basis of leasing services and service development; SWOT-analysis of leasing services and service is carried out in Khorezm region and medium-term forecast is done;

Practical value: the results of the inquiry can be used in the development of regional programs as to development of leasing services and service market, in the practical activity of local organs as to coordination and the adjustment of given sector, as well as in further researches.

Degree of embed and economic effectivity: The conclusions and offerings of the thesis are used at State scientific-technical program of fundamental researches OT-F7-133 «Theoretical and methodological foundations of model building and developing marketing strategies of small business and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan», in practical activities of information-analytical group of Khakimiyat of Khorezm region and regional branch of JSLC «Uzagromashleasing», as well as in teaching process of Economy faculty of Urgench state university.

Sphere of usage: governmental and regional bodies on regulation and coordination of leasing services and service market, leasing companies, banks, higher educational institutions.

Тадқиқотчи_____